Ушбу сонда:
2 КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА, АМАЛ ҚИЛМОҚДА
3 TV — ДАСТУРИ
4 СПОРТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 ноябр, жума №187 (1201)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



# ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил топганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан Россия пойтахтида МДҲ давлатлари раҳбарлари иштирокида саммит ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу олий даражадаги учрашувда қатнашиш учун 29 ноябр куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.***

Учрашувда асосан МДҲнинг ўн йиллик фаолияти якунлари ҳамда Ҳамдўстлик доирасида келгусида қилинадиган ишларга оид масалалар муҳокама қилинади.

- МДҲни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо ҳудудини яратиш, чегара ва божхонага оид қонун-қоидаларни мувофиқлаштириш ва бу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш эди, -деди Президент сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида. - Аммо, айрим давлатлар бу мақсадларга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, Ҳамдўстликка бошқача тус берди ва қандайдир ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишга берилиб кетди. Натижада, МДҲ доирасида имзоланган талай ҳужжатлар ижро этилмай қолди. Кўплаб кераксиз кенгашлар тузилди ва бу маълум даражада Ҳамдўстлик обрўсига зиён етказди. Умуман, аввал бошдан ҳамма нарса иқтисод негизида ташкил қилинганида эди, сиёсий ва ижтимоий масалалар ҳам бирин-кетин ўз ечимини топган бўларди.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲнинг келажаги ҳақида гапирар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, Ҳамдўстлик доирасида истиқболда қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Бунда биринчи навбатда МДҲ таркибида ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишдан воз кечиш ва асосий эътиборни иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга қаратиш лозим. Айниқса, Ҳамдўстлик доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар ижросини таъминлашга катта ёрдам беради, деди давлатимиз раҳбари.

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



***

**Москва. 29 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Президент Ислом Каримов Москвага етиб келиши билан саммит доирасидаги икки томонлама учрашувларни бошлаб юборди.

Давлатимиз раҳбари Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе, Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов ва Молдова президенти Владимир Воронин билан учрашди. Учрашувларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Саммит доирасидаги асосий тадбирлар эртага бўлиб ўтади.

**(ЎзА).**

# ЭЪЗОЗ

## уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояси ўтмишда ва ҳозир

...Саксонинчи йилларда санаторийда дам олиш учун ажратилган ягона йўлланма туман ижтимоий таъминот бўлимида тортишувларга сабаб бўлганди. Нафақахўр, уруш ва меҳнат фахрийлари анчагина, бироқ йўлланма битта. Хўш, уни кимга бериш керак?

Масалага ойдинлик киритадиган ягона ташкилот вилоят бошқармаси эди. Не умидлар билан бу ерга келган туман мутахассиси битта-ю-битта йўлланмадан ҳам айрилди.

— Сизларга адашиб ўтибди, — дея жавоб қилди бошқарма бошлиғи. — Буни аслида парткомиссия котиби Сидоров сўраганди, ўшанга берамиз. Сен ўша қарияларга бир йўлини қилиб тушунтирасан...

— Эҳ, — деганди йўлланмага талабгорлардан бири, раҳматли Муртазо бобо. — Бу не кўргуликки, меҳнат қилсанг-у роҳатини кўрмасанг, шунча хизматларинг битта йўлланмага арзимаса-я!

Райим бобо шеригига чой узатаркан, гапида давом этди:

— Гулистон — Мирзачўлда дастлаб ташкил этилиб, ўзлаштирилган туманлардан. Бу ерга кимлар келиб, кимлар кетмади, қишлоқ хўжалиги равнақи йўлида не-не тажриба ва синовлар ўтказилмади, дейсиз. Афсуски, ана шу ишларнинг барчасида камарбаста бўлган деҳқонларнинг кўпчилиги бугунги дориломон кунларга етиб келолмади, ўзлари орзу қилган мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлишолмади..

Ҳотам ёлғиз деган мироб бўларди. Айтишларича, туман ташкил бўлаётган йили Зомин томонлардан чўлга келган экан. Ким иш буюрса, индамай бажарарди. Аммо унинг на оиласи, на фарзандлари борлигини биров билмасди. Бу ҳақда ундан сўрашганда ҳеч нарса демай, индамасдан туриб кетарди. Айни саратон пайтида ғўзага сув бераётганда самолёт устидан дори сепиб кетганини кўришган. Шундан сўнг у дардманд бўлиб қолди. На нафақа ололди, на бошқа имтиёздан фойдаланди. Шўро даври шундай эди, бечора қадр топмай ўтиб кетди.

Туманимиз марказида илгари тўртта дўкон ва иккита ошхона бўларди. Ҳозир эса бундай шоҳобчаларнинг саноғига етиб бўлмайди. Бугунги тотли дамларни кўргач, ўтмиш ҳам тез-тез ёдга тушавераркан. Маҳалламиздаги Ўринбой ишбилармон йигит эди. Байрамлардан бирида боқиб қўйган новвосини сўйиб, кўчада кабоб пишириб сотганида не маломатлар ёғилмади бошига. Энди эса Ўринбой сингари тадбиркорларнинг саноғи йўқ. Бу истиқлол шарофати эмасми?!

Қарияларни айтмайсизми. Қани энди саксонинчи йилларда йўлланма можаросига гувоҳ бўлганлар тирик бўлса. Улар мамлакатимизда фахрийларга кўрсатилаётган меҳрибонликларни кўриб бошлари осмонга етарди.

Чойхонадаги гурунг узоқ давом этди.

Зеро, юз бор эшитгандан, бир марта кўрган афзал, дейишади. Шукрона кунларнинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган Гулистон туманилик нуронийларга айни пайтда яратилган шарт-шароитлар қандай деган савол туғилиши табиий.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ечимига йўл топиб берди. Райим бобонинг ўтмишдан куюниб, бугундан суюниб гапирганининг боиси ҳам шунда.

Айни пайтда бу ерда 7337 нафар пенсия ва нафақа олувчи истиқомат қилади. Улардан 33 нафари ёлғиз пенсионерлар. Ҳукуматимизнинг меҳрибонлиги боис, нафақахўрларнинг барчаси ҳам ўзига хос имтиёзга эга. Масалан, 908 нафар нафақахўр ўттиз фоиз коммунал хизматидан имтиёзли фойдаланади. Ёки 43 нафар пенсионер шу йилнинг ўзида турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклади. 15 киши бепул дори-дармон билан таъминланди, 3 нафар ногироннинг хонадони бепул таъмирлаб берилди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркор, ишбилармон дегани бир пайтлар истеъмолда умуман йўқ эди. Тумандаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари ана шу ақидаларнинг нечоғли ривож топаётганлигидан далолат беради. Муҳими бу эмас. Қўли очиқ, ғайратли кишилар меҳр-мурувват савобидан ҳам четда қолаётганлари йўқ. Улар ташаббуси билан ўтган ойларда ногирон ва қарамоғида ҳеч ким бўлмаган қариялардан 81 нафарига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, улар учун банкда махсус ҳисоб рақами очилганидан кексаларнинг қувончлари чексиз бўлди.

Ҳозирги кунда туман ижтимоий таъминот бўлимида 42 нафар меҳнат жараёнида жароҳатланган ва касб касаллиги бўйича пенсия оладиган ногиронлар рўйхатга олинган. Улар ҳар жиҳатдан ижтимоий ва моддий ҳимояга олинган. Улар ёлғиз эмасликларини чуқур ҳис қилишаяпти.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Оқибат*

**Валентина Донских:**

# «ҚАДРДОН КОРХОНАМ МЕНИ УНУТМАБДИ»

Отахон чин дилдан ташаккур билдириб, корхона ишига ривож тилади. Гап шундаки, пенсионерлар Нина Толстякова, Валентина Донскихларни қаровчиси йўқ қариялар сифатида Қуйи Чирчиқ туманидаги 81-автокорхона оталиққа олганига анча вақт бўлди. Қарияларга ҳар ойда кичик маош ҳисобида моддий ёрдам бериб бориш одатга айланган.

«Оққўрғон», «Чиноз», «Мустақиллик» пахта тозалаш заводларига, тумандаги хўжаликларга хизмат кўрсатиб келаётган бу автокорхонада ишчиларни, ўз сафларидан пенсияга чиққан кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тобора яхшиланиб бораяпти. Уч йил аввал тугатилиш ҳолатига келиб қолган ташкилотда кунига 4-5 тадан автомобил ишга чиқар эди. Кейинчалик автомобиллар ҳолати яхшиланиб, буюртмачилар кўпайди, йўлга чиқаётган автомобиллар сони ортиб борди. Натижада даромад салмоғи ҳам ошмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган 9 ойида олинган фойда ўтган йилнинг шу давридагидан салкам икки баравар кўп, яъни 41 миллион сўмга етди.

Зарарли цехларда меҳнат қилаётган кишилар қулай иш шароити ва махсус кийим-бош билан таъминланган, уларга ойига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш масаласи ҳам диққат марказида. 2 ва 4 ёшли, 4 ва ундан ортиқ болали аёллар иш ҳақлари тўла сақланган ҳолда ишни 2 соат олдин якунлайдилар.

**Т.ҲАЙДАРОВ.**

Айни кунларда Москва шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада ўзбекистонлик шахматчилар ҳам иштирок этаётир.

# РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган энг кучли шахматчимиз Рустам Қосимжонов россиялик Николай Власовни мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди. Яна бир вакилимиз Алексей Барсов хитойлик Е.Янгчуан билан дуранг ўйнаган бўлса, Сайдали Йўлдошев грузиялик кучли шахматчи Зураб Азмайпарашвилига, Шуҳрат Сафин эса Босния ва Герцоговина шахматчиси Предрак Николичка имкониятни бой бериб қўйди.

Аёллар баҳсида эса Елена Левушкина югославиялик Алиса Маричдан мағлубиятга учради.

**(ЎзА).**

# ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

***Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ тумани «Ўзбекистон 5 йиллиги» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий милиция таянч пункти қуриб фойдаланишга топширилди.***

Айни кунларда бу ерда профилактика инспекторлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраш комиссиялари, маҳалла посбонлари ҳамда жамоат тузилмалари эл осойишталигини таъминлаш йўлида ҳамкорликда фаолият кўрсата бошлади. Таянч пунктида маҳалла ёшлари учун дам олиш хонаси, ҳуқуқий адабиётлар маркази, спорт майдончаси мавжуд.

Вилоятда бундай замонавий таянч пунктлари 39 тага етди. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунончи, ёшлар ўртасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида жиноят содир этилиши 2,9 фоизга камайгани кузатилди. Вилоятда яқин келгусида профилактика ишларини кучайтиришга йўналтирилган замонавий милиция таянч пунктлари сонини 314 тага етказиш мўлжалланмоқда.

**(ЎзА).**

# ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Бўка туманида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Унинг хизматидан F.Азаматов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилаётган етти мингдан зиёд аҳоли фойдаланиши мумкин.

- Муассасамизда гинекология, стоматология, болалар терапияси, физотерапия каби бўлимлар мавжуд, -дейди шифо маскани мудираси С.Ибрагимова. - 12 ўринга мўлжалланган кундузги станционар ва дорихона ҳам иш бошлади. Ҳамкишлоқларимизга 20 дан зиёд малакали мутахассис хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 10 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

## ислоҳот йўлидаги ғовлар

***Элликқалъа туманида тадбиркорликка бел боғлаган Ўғилжон Эрманова фаолияти, унинг сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракати, интилишларини кўриб-билиб турган қишлоқдошлари онанинг сабр-қанотига қойил қолишмоқда. Айни пайтда тадбиркор аёлга нисбатан шунчалар адолатсизлик қилинаётганидан таажжубланишмоқда.***

У 1993 йилнинг августида «Райхон» деб номланган хусусий кичик корхона очган эди. Нияти ўзи истиқомат қилаётган «Элликқалъа» жамоа хўжалиги ҳудудида новвойхона, тикувчилик цехи ҳамда халқ истеъмол моллари билан савдо қилувчи дўкон очиб, овул аҳолисига холис хизмат қилиш эди. Олдинига новвойхона ҳамда дўкон қурилиши учун 0,12 га ер олиб, ҳужжатларини расмийлаштирди. Қурилиш лойиҳалари ҳам тезда тахт қилинди. Ў.Эрманова республика «Тадбиркорбанк»ининг «Бўстон» бўлимидан 100 миллион сўм-купон миқдорида кредит олиб, ишни жонлантиришга киришди. Маблағни қурилиш ташкилотига ўтказди. Шу тариқа буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида қонуний ҳужжат — шартнома имзоланди. Элликқалъа механизациялашган кўчма қурилиш жамланмаси бошлиғи У.Роскалиева 50 миллион сўм-купон эвазига бинони бир йилдаёқ битириб, калитини топширишга сўз берди. Қурилиш ишлари яхши кетаётганидан «Шарқ юлдузи» овул аҳолиси ҳам қувонганди. Негаки, цехлар ишга тушса янги иш ўринлари юзага келади, ҳар куни узоққа бормай, бўрсилдоқ нонларни шу ернинг ўзидан харид қилиш имконияти яратилар эди-да!

Биринчи қават битай деб қолганида негадир иш суръати пасая бошлади. Қурувчилар бошлиғи тадбиркорни яна ҳузурига чорлади.

— Сингилжон, яна озгина пул ўтказмасангиз бўлмайди. У ёғини суриб кетармиз, - деди У.Роскалиева.

1994 йилнинг 30 май куни келишилганидек, тегишли ҳисоб рақамига 17 миллион сўм-купон ўтказилди. Биринчи қаватнинг деворлари битиб, навбат томни ёпишга келганида ишни яна пайсалга сола бошлашди. Бунинг сабабини Ўғилжон опа ўша заҳоти англаб, қурувчилар раҳбарига рўбарў бўлди. Шундан сўнг тадбиркор яна 10 миллион сўм-купонни жамланма ҳисобига ўтказишга мажбур бўлди.

Қарангки, шунда ҳам ишлар кўнгилдагидек бормади. Охири яна бир йил муддатга шартнома тузишга мажбур бўлди. Афсуски, қурилиш ишлари чалалигича қолиб кетди. 1995 йил майида Ў.Эрманова Элликқалъа туман ҳокимлигига шикоят билан мурожаат қилиб, адолатни тиклашда амалий ёрдам берилишини сўради. Ҳоким ишни кўриб чиққач, ижобий ҳал этиш учун ўринбосари, ҳозирда ҳам шу вазифада ишлаётган Ибодулла Саъдуллаевга топширди. Ваъдалар қуюқ эди. Кўп ўтмай тадбиркор аёл қуйидаги мазмунда жавоб хати олди: «Қурилишнинг биринчи қавати деворлари битказилган, лекин темир бетон плиталари танқислиги сабабли қурилиш тўхтатилган. Смета 1984 йилги қиймат асосида тузилган бўлиб, 1991 йилги баҳога ўтиш коэффиценти қўлланилган. Буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи қилинган ишларни қайтадан кўриб чиқиб, шу асосда шартнома тузиб, қурилиш ишлари давом эттирилади».

Тадбиркорнинг қувончи чексиз эди. Ахир ҳокимлик аралашгандан сўнг албатта мушкули осон бўладида... Бироқ, ойлар кетидан ойлар ўтди. Бу орада Ў.Эрманова туман ҳокимлигига, бошқа тегишли идораларга қатнайвериб овораи сарсон бўлди. Мана 6 йилдирки у, қолаверса, овулдагилар чала қурилишлар қачон битаркин, мутасадди раҳбару мутахассисларга қачон инсоф кираркин, дея кутишмоқда.

Чинданам хайрон қоласан киши. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес миллий тараққиётга эришишнинг энг муҳим омилларидандир. Тадбиркор йўлига ғов бўлиб, унинг йўлига сунъий тўсиқлар қўйиш ислоҳот, тараққиётга тўғаноқ бўлишдир. Новвойхона, тикувчилик цехи очаман, дея эзгу ниятда куйиб пишаётган тадбиркор мушкулини осон этиш, уни қўллаб-қувватлаш наҳотки шунчалар мушкул бўлса?

**Б.ЭРНАФАСОВ.**

## Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланган. Бу боб 4 та моддадан иборат. 63-моддада «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», дейилади. Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унинг бош бўғинини ташкил этади. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади.**

# ОИЛА

## жамиятнинг асосий бўғини

Оила айни вақтда жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Бу хусусият аввало унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари аҳолининг оилавий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан бирга ўтказилиши керак деб ҳисобланган.

Демак, ҳар қандай жамиятнинг асосини оила ташкил этади. Йилига 230-250 минг янги оила вужудга келиб, мамлакат аҳолиси бир йилда 570-600 минг кишига кўпаймоқда. Ўзбекистонда ўртача оила сафини 5-6 нафар киши ташкил этади. Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва фаровонлиги ўша давлатдаги барча оилаларнинг тинч-аҳиллиги ва фаровонлигига боғлиқ. Ўзбек оиласи ўзининг алоҳида хусусияти ва анъаналарига эга. Ана шу хусусиятлардан бири кўп болали оилалардир. Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга давлат катта эътибор бериб келяпти. Жумладан, республикада тузилган бир қатор жамият ва жамғармалар оилани мустаҳкамлаш ва унга ҳар томонлама ёрдам беришга катта эътибор қаратмоқда. «Болалар», «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Орол», Шароф Рашидов номидаги жамғарма, Қизил Ярим ой жамияти кабилар шулар жумласидандир.

Шу тариқа оила иши бу жамоат ва давлат иши ҳамдир. Никоҳ оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси»нинг иккинчи бўлими «Никоҳ» деб номланган. Ушбу бўлимнинг 3-боби «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари»га бағишланган бўлиб, у беш моддадан иборат. Айнан шу моддаларда никоҳ тузиш тартиби, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, никоҳ ёши, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ва никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш каби ҳолатлар баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ота-оналарнинг бурчлари ҳам кўрсатилган: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради». Ота-оналар ўз фарзандларини 18 ёшга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлод давлатнинг буюк истиқболидир. Давлатнинг бу борадаги эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин тимсоли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан республикада «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилишидир. Бу Ўзбекистон Республикасининг олий мукофотларидан бири бўлиб, жаҳон тажрибасида бундай орден бўлмаган.

Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида: «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», дейилган. Амалдаги «Оила Кодекси»нинг учинчи бўлими «Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш» деб номланган бўлиб, унда қариндошлик, боланинг насл-насабини белгилаш асослари ва бошқа ҳолатлар тўғрисида аниқ хулосалар берилган. Республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга жуда катта эътибор берилмоқда. Давлат кўп болали, серфарзанд оилаларга ва болали ёлғиз оналарга катта моддий ёрдам бермоқда. Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга жуда катта эътибор берилиб, бу йўлда бир қанча тадбир ва чоралар амалга ошириб келинмоқда.

Конституциямизнинг 66-моддасида вояга етган фарзандларнинг ҳам ўз навбатида ота-оналар олдидаги бурчлари кўрсатиб берилган. Унда: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», дейилади. Бу модда ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозимлигини ифода этади. Фарзанд ўз ота-онасига маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдир. Маълумки, болаларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари илгари ҳам уларнинг ахлоқий мажбурияти бўлиб ҳисобланган. Фарзандлар ота-оналарини меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганларида, айниқса бетобликларида ёрдам беришлари лозим.

Оила — ҳаётнинг ўзи каби сир-синоатли, чексиз ва битмас-туганмас бир мавзудирким, бу мавзуни ёритишдаги ҳар қандай саъй-ҳаракат, ҳар қанча изланиш рағбат ва таҳсинга, қўллаб-қувватлаш ва хайрихоҳликка арзийди, деб ўйлаймиз. «Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир», — деган эди Президентимиз. Ушбу ҳикматли сўзнинг маъно-мазмунини англаганимиз сари Аёл, Она, Ёр, Опа-сингил, Қиз сингари сўзларнинг сеҳрини, меҳрини шунча аниқ сезамиз.

Маълумки, 1998 йил мамлакатимизда «Оила» йили деб эълон қилинган эди. Кейинги йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», бу йил эса «Оналар ва болалар йили» деб аталди. Бунда чуқур мантиқий боғлиқлик бор. Мақсад жамиятимизнинг маънавий оламини яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат. Бу йиллар мобайнида оила манфаатларини таъминлаш мақсадида махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлиғини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оилага хизмат қилувчи инфраструктура, айниқса, қишлоқ жойларида сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида эзгу ишлар қилинди. Буларнинг бари оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг ўрни ва таъсирини кучайтириш имконини берди. Бу давр ичида одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсди, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгарди.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# БОШ ҚОМУСНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИДА

**Мамлакатимизда биринчилар қаторида Наманган шаҳрида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш маркази» ташкил этилган эди. Ҳозир у қандай фаолият юритаяпти?**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига асосан вилоят ҳокимлигининг қарори билан ташкил этилган ушбу марказнинг бош мақсади кенг жамоатчилик, хусусан, ёш авлод ўртасида Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмуни - моҳиятини кенгроқ тарғиб қилишдан, ҳуқуқий тушунчани бойитишдан иборат.

Марказ икки хонага жойлашган бўлиб, биринчисида Президентимиз асарлари, ҳуқуқшуносликка оид китоблар жой олган. Шунингдек, кўпдан-кўп адабиётлар, услубий қўлланмалар мавжуд. Ҳатто АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Қирғизистон республикаси Конституцияларини учратиш мумкин. Бу эса мамлакатимиз Конституциясини уларга таққослаб, ўзига хос томонларини яхши билиб олиш имконини яратади. Иккинчи хона маъруза ва суҳбатлар ўтказишга мўлжалланган. Шу мақсад учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Конституция моддалари акс этган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари битилган ёзувлар эътиборни тортади.

Юқорида баён этилганидек, Конституциямизнинг у ёки бу бўлими, боблари, шунингдек, айрим моддалари бўйича илмий конференциялар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Вилоят олий ўқув юртлари талабаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган машғулотлари кўпинча шу ерда ўтказилади. Яқинда «Конституция — мустақиллигимиз гаровидир» деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг кўзга кўринган олимлари тингловчилар саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

— Марказ атрофига 24 нафар олим жалб этилган, — дейди марказ раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Аҳмаджон Шарипов. — Улар жамоа ва ширкат хўжаликлари, идоралар ва муассасалар, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари жамоалари ўртасида ҳам Бош қомусимиз тарғиботи юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар, маърузалар қилмоқдалар.

Ҳамжиҳатликда Бош қомусимиз тарғиботини кучайтириш чораларини кўрамиз. Хўжаликлар ва ташкилотлар етакчилари, ўрта махсус ўқув юртлари, коллежлар, мактаблар ва лицейларнинг директорлари, боғча мудиралари, шунингдек, тарих ва жамиятшуносликдан дарс берадиган ўқитувчиларнинг ҳам шу соҳадаги билим ва тушунчаларини оширишни, бунинг учун эса қисқа курслар ташкил этиб, машғулотлар ўтказишни кўзда тутганмиз.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Оролбўйи аҳолисига кўплаб халқаро ташкилотлар беғараз ёрдам кўрсатмоқда. Шуманай туманидаги «Ойбуйир» ширкат хўжалиги ҳамда А.Мусаев номли фермер хўжалигидаги 284 хонадонга БМТ томонидан 8 миллион 600 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари -ун, гуруч, ўсимлик ёғи, шакар тарқатилди.**

# БЕҒАРАЗ КЎМАК

- Ушбу маҳсулотлар кам таъминланган ва кўп болали оилаларга тарқатилди,- дейди «Сарманкўл» овули фуқаролар йиғини раиси Ж.Сайтбоев.

Эндиликда Мўйноқ, Тахтакўпир ва Қораўзак туманлари аҳолисига ҳам шундай ёрдам берилади. БМТ Қорақалпоғистондаги ёрдамга муҳтож оилалар учун 35 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ажратишни режалаштирган.

**(ЎзА).**

# «АРБА»НИНГ ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Нурота туманидаги «Арба» хусусий фирмаси Навоий вилоятида ўтказилган «Ташаббус-2001» кўрик-танлови совриндори бўлди. «Арба» жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Нурота ва Қўшработ туманларида 10 миллион сўмлик газ қувурларини монтаж қилиб берди. Пайвандловчиларнинг куч-ғайрати билан Нурота шаҳридаги 18, 27-умумтаълим мактаблари, «Наргис», «Бинафша» болалар боғчалари қишки мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Шуниси характерлики, «Арба»да ишловчиларнинг ойлик иш ҳақи бугунги кунда 40 минг сўмга етди. Фирма фаолиятида хайрия тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Унинг беминнат ҳомийлик ёрдами билан Нурота, Қўшработ туманларидаги 18 та кам таъминланган хонадонда зангори олов ёнди. Нурота шаҳридаги марказий шифохонанинг шошилинч тиббий ёрдам бўлимига 500 минг сўмлик, туғуруқ бўлими қурилишига 200 минг сўмлик ёрдам пули ажратилди. Юқумли касалликлар шифохонасига эса 50 метр қувур ётқизилиб, пайвандлаш ишлари бажарилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан боғчалардаги кичкинтойлар 50 минг сўмлик совға олишди.

«Арба» эндиликда мармар плиталар тайёрлаш цехи очиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Яъни цех ишга тушса, яна 8 та янги иш ўринлари яратилади.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Андижондаги “Электроаппарат” акциядорлик жамияти нафақага чиқиб кетган тажрибали ишчи-мутахассисларни шартнома асосида ишга қайта қабул қилишни бошлади.**

# ЗАВОД ҚАДДИНИ РОСТЛАМОҚДА

Бир неча йиллардан буён ўз қувватининг ўн фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонани вилоятдаги “Холис” саноат-савдо бирлашмаси ўз таркибига қабул қилиб ижара асосида бошқаришни зиммасига олди. Эндиликда корхона оёққа туриб, кўплаб янги иш жойлари қайта тикланмоқда. Ёш ишчилар эса ҳали мураккаб дастгоҳларни бошқаришни тўла ўрганиб олишгани йўқ. Шунинг учун ҳам корхонада кўп йиллар меҳнат қилган кекса ишчиларга талаб ортиб бормоқда. Улар билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатишлари йўлга қўйилмоқда.

“Холис” саноат-савдо бирлашмасининг МДҲ давлатларида савдо уйлари, филиаллари мавжудлиги боис “Электроаппарат” учун керак бўладиган хом ашёлар таъминоти йўлга қўйилиши корхонада электр жиҳозлари: патронлар, розеткалар, ўчиргичлар, ҳисоблагичлардан ташқари водийдаги енгил саноат корхоналари учун пластмасса ғалтаклар, шунингдек шишалар учун қопқоқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

**“Туркистон-пресс”**

# “МАҲАЛЛА”НИНГ МУРУВВАТИ

“Маҳалла” хайрия жамғармасининг Термиз шаҳар бўлими кам таъминланган оилаларнинг 21 нафар фарзандига суннат тўйи ўтказишда бош-қош бўлди. Ифторлик чоғида тўйболалар, уларнинг ота-оналари, қариндошлари, уруш ва меҳнат фахрийлари Термиз шаҳридаги “Навбаҳор” ресторанига таклиф этилдилар.

Тўкин дастурхон теварагида ўтирган тўйболалар ва меҳмонлар хайрли ишнинг гувоҳи бўлишди. “Маҳалла” хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси ўринбосари Холмўмин Эргашев болаларнинг ҳар бири номига “Уйжойжамғармабанк”нинг вилоят бўлимида очилган омонат дафтарчаларини топширди. Шунингдек, болаларга бошдан-оёқ сарпо ҳам ҳадя қилинди.

- Ўн икки нафар фарзандимни отасиз тарбиялаяпман, - деди “Туркистон-пресс” мухбирига “Темирйўлчи” маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оила бекаси Таскира Лёвина. - Мана, ўғилларим Анвар, Акмал, Акбар, Шаҳзодларнинг қўлини ҳалоллашди. Бундан аввалроқ “Маҳалла” хайрия жамғармасининг Термиз шаҳар бўлими ўғилларим Руслан ва Шуҳратларга ҳам суннат тўйи қилиб беришган ҳамда уларга банкда омонат дафтарчалари очишган эди.

**“Туркистон-пресс”**



Тахиатош темир-бетон маҳсулотлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида айни вақтда 30 хил турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда иш буюртмачилар талаби асосида йўлга қўйилган.

**Суратларда: корхона бошлиғининг ўринбосари Пўлат Сейтанов, ишлаб чиқариш бўлимининг мудири Сапарбой Раимов, арматура цехи бошлиғи Азизбой Менгдигалиев, ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Баҳодир Бегимовлар келгуси иш режалари тўғрисида кенгашмоқдалар; қолипларга бетон қуйиш майдончаси.**

**А.МУРОДОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**



## Масала кўндаланг қўйилади

**Меҳнаткашлар иш ҳақи, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида бериб бориш ҳар бир иш берувчининг энг муҳим вазифаларидандир. Айниқса, Оналар ва болалар йилида хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. Иш ҳақлари ва бошқа тўловлардан қарздорликнинг тобора камайиб бораётгани қувонарли ҳолдир.**

# «НАФАҚАНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ, РАИС?»

Бунда Фарғона вилояти касаба уюшма қўмиталарининг ҳам ҳиссаси бор. Аммо, баъзи раҳбару мутахассисларнинг ўз вазифасига нисбатан совуққонлиги, масъулиятни унутиб қўйганлиги натижасида нафақа ололмаётганлар ҳам учраб турибди.

Охунбобоев туманига қарашли Алигавҳаров номли ширкатлар хўжалигининг Олмазор кўчасида истиқомат қилувчи Малоҳат Холматова фарзандларига тўланиши керак бўлган нафақани икки йилдан буён ололмай сарсон бўлаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Унга 1996 йил январидан 1998 йилнинг 31 декабригача бўлган давр учун болалар нафақаси тўланмаган.

— Тўрт нафар фарзандим бор, турмуш ўртоғим Абдусамад Холматов ушбу хўжаликда кўп йиллар ишлаб, юрак хасталиги билан ногиронликка чиққан. Дори-дармон, кийим-кечак ва рўзғор учун пул керак. Маъмуриятга мурожаат қилавериб чарчадим. Ҳисобхона ходимлари 27675 сўм олишлигим ҳақида бир парча қоғозча бериб қўйишган. Хўжалик раҳбари, бош ҳисобчи, касабақўм раиси ва хазиначининг «отангга бор, онангга бор» қабилидаги муомалалари асабни таранглаштириб юборди.

Ушбу муаммо юзасидан хўжаликнинг бирор раҳбари билан суҳбатлашиш илинжида идорага кирдик. Бошқарув раиси Одилжон Йўлчиев, бош ҳисобчи Расулжон Эргашев, касабақўм раиси Қосимжон Аҳмедов ва ҳатто нафақа тўлаш бўйича ҳисобчи Тўйчибой Эргашевни тўрт соат кутдик. Афсуски, уларнинг қаердалигини ҳеч ким айтиб бера олмади.

Идора олдида раҳбарларни эрта сахардан буён кутиб турган аёллар ҳам иш ҳақларини ололмай сарсон бўлиб юрганликларини билдиришди-ю, бироқ ўзларини таништиришни хоҳлашмади. Сабабини сўраганимизда, «Агар раҳбарлардан бирортаси билиб қолса бизни шикоятчига чиқариб қўйишади» дея таъкидлашди...

Хўжалик раҳбари ва касабақўм раиси жамоа шартномасини имзолаётганларида иш ҳақи ва нафақаларнинг мунтазам тўлаб борилишини таъминлашга аҳд қилган эдилар-ку?! Хўш, бу хўжакўрсин учунмиди?

**Ортиқ САИДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## «Ишонч» фош этади

# ЎЗГАНИНГ ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Мана, бир неча йилдирки, ҳукуматимиз қарорига биноан республикамизнинг барча вилоят ва туманларида «Ижтимоий кўникма маркази» фаолият юритиб келмоқда. Унинг асосий вазифаси жазо муддатини ўтаб қайтган фуқароларга ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш, ишга жойлаштириш, жамиятда ўз ўрнини топиб олишида амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Бироқ, қонунда қатъий белгиланган талабларни рўёбга чиқариш ҳамма жойда рисоладагидек кечмаётир. Шеробод тумани «Ижтимоий кўникма маркази» бошлиғи Нуриддин Акрамов «Ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш тутишни ёқтириши аён бўлиб қолди. Масалан, у жазони ўтаб келганларга беғараз ёрдам бериш ўрнига, ҳукумат томонидан белгиланган кўмак пулини «арра» қилиш билан шуғулланган. У жазони ўтаб келган А.Эшпўлатовга нисбатан ҳам таъмагирлик йўлини тутди. Ишга жойлашгунгача бериладиган моддий кўмак пули — 14.700 сўмни бермасдан, тўлов варағига қўл қўйдириб, турли хил баҳоналарни рўкач қилди. Агар А. Эшпўлатов бу ҳақда ўз вақтида туман прокурори Ж.Маҳмадаминовга арзнома билан кирмаганида ким билади, яна қанча киши фирибгарнинг тузоғига илинган бўларди...

Прокуратура текширувлари якуни бўйича жами 49 нафар жазони ўтаб келган фуқарога тўлаш учун олинган 489 минг 900 сўмдан 99 минг 200 сўмини Н.Акрамов ўз нафси йўлида ишлатиб юборганлиги маълум бўлди.

Доно халқимиз «Кўза кунда эмас, кунида синади», деб бежиз айтмаган. Энди нафс бандаси жиноий қилмишлари учун одил суд олдида жавоб берадиган бўлди.

Шу ўринда бир нарса кишини ажаблантиради. Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига оид баъзи маҳбуслар жазони ўташда муддатидан олдин озод этилди ва этилмоқда. Уларни ишга жойлаштириш, кам таъминланганларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Йўлдан адашган кимсаларни тўғри йўлга солиш, уларга ёрдам бериш ўрнига давлатимиз томонидан ажратилган маблаққа кўз олайтираётган, ўзгалар ҳақига хиёнат қилаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин?

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Касаба уюшма тадбири**

**25-27 ноябр кунлари Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳи, «Бўстон» санаторийси ҳамда «Кимёгар» стадиони спорт базасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Бошқаруви ташаббуси билан тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари жамоалари ўртасидаги республика аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди. Иштирокчилар — мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турли соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат ва шашка баҳсларида ғолиблик учун беллашдилар.**

# СПОРТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Тушга яқин карнай-сурнай садолари барчани шаҳардаги металлурглар маданият саройига — катта спорт тантанасига чорлади. ЎзКУФК раиси ўринбосари, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Озода Муҳиддинова спартакиада баҳсларини очиқ деб эълон қилар экан, барча иштирокчиларга беллашувларда зафарлар тилади. Шундан сўнг спартакиада байроғи кўтарилиб, куй-қўшиқларга навбат берилди. Ёш хонандалар, жажжи раққосаларнинг ажойиб чиқишлари кўнгилларга завқ-шавқ улашди. Ҳатто, хотин-қизлар ўз ҳаяжонларини яшириб туролмадилар, ажиб куй-қўшиқларга хиром айладилар. Бир сўз билан айтганда, спартакиаданинг очилиш маросими ўзига хос тарзда ўтди. Нафақат спорт беллашуви, балки кўнгилочар тадбирга айланиб кетди.





Энди бевосита мусобақалар хусусида. Беллашувлар чин маънодаги кескинлик, муросасизлик касб этди. Таълим ва фан ходимлари спортчилари спартакиадага пухта тайёргарлик кўриб келганликларини намойиш этдилар. Ва «ғалвир сувдан кўтариладиган паллада» мазкур тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси терма жамоаси билан тақдирланишди. Шу билан бирга, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Спартакиада якунида иштирокчиларнинг тадумумий ҳисобда биринчи ўринга муносиб кўрилди. Кейинги ўринларни эса соғлиқни сақлаш ҳамда агросаноат ходимлари вакиллари эгаллашди. Ғолиб ва совриндор жамоалар фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо эсдалик совғалари бир хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Зулхумор Усмонова, Тошкент Давлат Авиация институти ўқитувчиси:**

— Аввало, аёлларимиз соғлом бўлиши керак. Чунки аёл, она соғлом бўлса, ёш авлод соғлом бўлади. Шу нуқтаи назардан фикрлайдиган бўлсак, бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс. Таклифим, бундай тадбирларга қишлоқ хотин-қизлари янада кўпроқ жалб этилса, айни муддао бўларди.

**Рузвон Қосимова, маданият ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими йўриқчиси:**

— Албатта, ҳамма спортчи зафар қучишни истайди. Бироқ, менинг назаримда, энг муҳими ғолиблик эмас, балки аёлларимиз саломатлиги йўлида кўзланган мақсадга озми-кўпми эришишдир. Айтганча, сўз сўнггида спартакиадани кўнгилдагидек ўтказган ташкилотчиларга миннатдорчилигимни билдиришни истардим.

**Шайдулла Бойбўтаев, томошабин:**

— Термиз шаҳриданман. «Бўстон» санаторийсида дам оляпман. Касаба уюшмаларининг ушбу тадбирини, хусусан, шахмат-шашка баҳсларини кузатиб мамлакатимиз спорти юксалишида соҳа фидойилари муносиб ҳисса қўшаётганликларига амин бўлдим. Уларга эзгу мақсад йўлида муваффақиятлар тилайман.

**Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Хушхабарлар*

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК КУРАШЧИ - ДУНЁДА ИККИНЧИ

Болгарияда эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати якунланди. Унда 52 мамлакатдан 350 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Сиднейдаги Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби ўзбекистонлик Артур Таймазов яна кумуш медалга сазовор бўлди.

Дастлабки учрашувларда жаҳон чемпиони кубалик Родригес ва эронлик Жадиди, украиналик Чебитько ва немис Тиль каби дунёнинг номдор спортчилари устидан тўртта ишончли ғалаба қозонган Артур финалда россиялик Давид Мусульбесовга ютқазиб қўйди.

## ҒАЛАБА КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Тошкентда баскетбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда 8 та жамоа иштирок этди.

Мусобақада муваффақиятли қатнашган Тошкент Давлат техника университети жамоаси кубок соҳиби бўлди. Иккинчи ўринни Бухоро Давлат университети баскетболчилари эгаллаган бўлса, учинчи ўрин МҲСК ёшлар терма жамоасига насиб этди.

## Садағанг кетай, дўмбоғим!



## БУЮК ТЕРМИЗИЙЛАР

Термиз Давлат университетида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган «Термиз ва термизийлар» мавзуида илмий-адабий анжуман ўтказилди. Йиғилганлар университет олимларининг Хожа ал-Ҳаким ат-Термизий, имом Исо ат-Термизий, Собир Термизий, Варроқ ат-Термизий, Ҳожа Самандар Термизийлар мероси ҳақидаги маърузаларини тинглашди.

Анжуманда буюк Термизийларнинг тарихда тутган ўрни, уларнинг ислом динига, жаҳон фани ва адабиётига қўшган улкан ҳиссалари, қолдирган бой тарихий меросини пухта ўрганиш ва халқимизга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

*Футбол*

# «ПАХТАКОР» — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

**Очиғи, бундан беш кун муқаддам Қаршида «Насаф» билан кечган қизғин баҳсда ҳакам томонидан қўшиб берилган икки дақиқадан унумли фойдаланиб, ҳисобда олдинга чиқиб олган «Пахтакор» амалда кумуш медал соҳибига айланган, фақат буни Ангреннинг «Семурғ» жамоаси билан бўладиган қолдирилган матчда тасдиқлаб олишгина қолган эди.**

Шундай ҳам бўлди. Бутун мавсум давомида бор-йўғи ўн очко тўплаган «Семурғ» кутилганидек пойтахтлик футболчиларнинг узлуксиз хужумларига дош беролмади. Гарчанд ёш дарвозабон Ширшов бир баҳя бўлсин тиним билмай тўпларни қайтаришга ҳаракат қилган бўлса-да, барибир меҳмонлар саккиз марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлдилар. Голларнинг бештасини Неъматулла Қуттибоев ўз номига ёзиб қўйди. Бу ушбу мавсумнинг рекорд натижаси.

Чемпионатнинг кумуш медал соҳиби ва энг сўнгги жамоаси ўртасида бўлиб ўтган учрашув, айтиш мумкинки, миллий биринчилигимизнинг айни дамдаги аҳволини яққол намойишига айланди. Бу ҳол куюнчак журналистлар бошлаб берган ва охирги пайтларда мутахассисларнинг ўзлари ҳам бот-бот такрорлаётган ҳақиқат — чемпионат иштирокчилари сонини қисқартириш нақадар тўғри эканлигини яна бир карра тасдиқлагандек бўлди.

Маълумки, келгуси йили олий лигада 16 команда иштирок этади. Ҳозирги ўйин савияси учун бу миқдор кўп, албатта. Лекин жамоалар сонини бирдан қисқартиришнинг ҳам иложи йўқ. Демакки, яна учрашувларнинг аксарияти бир томоннинг устунлигида ўтиши, маълум муддат ўтгач командалар тўплаган очколарига кўра икки қатламга ажралиб қолишлари шубҳасиз.

Бунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Чамаси кўпдан буён ўртага ташланаётган таклифни қўллаш жоизга ўхшайди. Яъни, 16 клубни тенг икки гуруҳга бўлган ҳолда биринчи босқич ўйинларига старт бериш керак. Икки даврада ўзаро куч синашувлар ниҳоясига етгач, ҳар гуруҳдан 1-4 ўринларни эгаллаган командаларни «А», 5-8 ўринлар насиб этган жамоаларни «В» гуруҳларга бирлаштириб, яна икки даврадан учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, медаллар учун кураш ҳам, олий лигадаги ўз ўрнини сақлаб қолиш учун баҳслар ҳам муросасиз тарзда ўтиши таъминланади. Ҳар ҳолда жамоалар учун «ортиқча» ўйинлар сони кескин камаяди. Бундан эса, аввалабор мухлислар, қолаверса, футболимиз ютади.

**Якуний жадвал**

| ЖАМОАЛАР | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Нефтчи» | 34 | 27 | 3 | 4 | 93-27 | 84 |
| 2.«Пахтакор» | 34 | 23 | 3 | 8 | 72-32 | 72 |
| 3.«Насаф» | 34 | 22 | 5 | 7 | 82-47 | 71 |
| 4.«Навбаҳор» | 34 | 20 | 1 | 13 | 79-52 | 61 |
| 5.«Академия» | 34 | 16 | 11 | 7 | 72-45 | 59 |
| 6.«Қизилқум» | 34 | 16 | 5 | 13 | 48-35 | 53 |
| 7.«Андижон» | 34 | 15 | 3 | 16 | 64-58 | 48 |
| 8.«Бухоро» | 34 | 15 | 3 | 16 | 57-58 | 48 |
| 9.«Дўстлик» | 34 | 14 | 5 | 15 | 73-60 | 47 |
| 10.«Сўғдиёна» | 34 | 14 | 5 | 15 | 45-51 | 47 |
| 11.«Трактор» | 34 | 13 | 7 | 14 | 54-58 | 46 |
| 12.«Самарқанд-Д» | 34 | 14 | 3 | 17 | 62-68 | 45 |
| 13.«Зарафшон» | 34 | 11 | 7 | 16 | 50-59 | 40 |
| 14.«Металлург» | 34 | 9 | 12 | 13 | 42-60 | 39 |
| 15.«Сурхон» | 34 | 12 | 2 | 20 | 42-71 | 38 |
| 16.«Кимёгар» | 34 | 9 | 7 | 18 | 36-60 | 34 |
| 17.«Турон» | 34 | 8 | 6 | 20 | 36-77 | 30 |
| 18.«Семурғ» | 34 | 2 | 4 | 28 | 36-125 | 10 |

**Эслатма:** Олий лигани тарк этган жамоалар ўрнини 2002 йил футбол мавсумида Қўқоннинг «Темирйўлчи» ва Муборакнинг «Машъал» жамоалари эгаллашади.

Бир минтақада жойлашган узоқ ва яқин қўшни мамлакатларнинг маданияти, адабиёти, урф-одатлари, миллий анъаналарида жуда кўп муштарак жиҳатлар мавжуд. Аммо шарқу ғарб ва шимолу жанубдаги бир-биридан узоқ мамлакатлар ўртасида ҳам

## ШАРҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

муайян ўхшашлик ва умумий жиҳатларни кузатиш мумкин. Таржима эса улар ўртасида ғов бўладиган нарса — тил масаласини ҳал қилиб, бир-бири билан яқиндан танишиш ва кўпроқ мулоқотда бўлиш учун катта имконият яратади.

Ўзбекистонда таржимачилик узоқ тарихга эга. Эрамизнинг VI-VII асрларида суғд тилидан туркий тилга таржималар амалга оширилган бўлса, кейинчалик араб, форс, ҳинд тилларидан таржималар қилинган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида мазкур илм даргоҳи, Адабиёт музейи, А.Беруний номидаги шарқшунослик институти ҳамда Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида шарқ адабиёти бўйича давра суҳбатларининг «Сўнгги икки юз йил (XIX-XX асрлар) давомида илмий-маданий алоқалар ривожланишида таржиманинг тутган ўрни» мавзусига бағишланган 6-йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманни тил ва адабиёт институти директори, профессор Тўра Мирзаев кириш сўзи билан очди.

— Ҳар бир жамият тарихида буюк ўзгаришнинг маълум қонун-қоидалари бўлади, — деди Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳ.Наракиён. — Ўтмишда ажнабий маданиятларни маҳаллий маданиятга тиқиштиришга уринишлар бўлган. Бироқ улар қаршиликка учраб чилпарчин бўлаверган. Таржима ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маданий бўшлиқни тўлдириб туради. Узилиб қолган маданий алоқаларни қайта тиклаш, уни ривожлантириш вақти келди.

Анжуман аҳли академик А.Қаюмов, доктор Ш.Ёркин, адабиётшунос олим Э.Очилов, тарихчи олим Ғ.Каримовларнинг илмий маърузаларини илиқ кутиб олди.

Инсон тафаккури, ақл-заковати, қалб туғёнлари билан яратилган шоҳ асарлар барча халқлар учун ардоқлидир.

**Мирза Анвар КАРИМОВ.**

## ОТ — ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ

Қорабайир наслли отлари билан машҳур бўлган Яккабоғ тумани "Ҳисор" ширкат хўжалигида отчилик фирмаси ташкил қилинди.

Шу билан биргаликда отни йигитнинг қаноти деб ҳисоблайдиган ўн нафар ёшлар танланиб, алоҳида от спорти билан шуғулланиш йўлга қўйилди. Чунки бир пайтлар хўжалик чавандозлари нуфузли мусобақаларда ҳам улоқни ҳеч кимга бермасдилар.

Хўжаликда 400 нафардан ошиқ "қорабайир" зотидаги наслли отлар Ҳисор тоғ тизмаларидаги яйловларда уюр-уюр ҳолатда боқилади. Бу асов отларни уюрдан олиб ўргатиш ҳисорлик йигитларга чўт эмас. Хўжаликнинг "Тўриқ қашқа" лақабли оти Тошкентда ўтказилган мусобақада совриндор бўлди. Бу ёш чавандозларни янада руҳлантириб юборди.

Шунингдек, хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. От сутидан қимиз тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ҳам жамоага қўшимча даромад келтирмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

**Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини чуқурроқ сингдириш, ҳуқуқий билимларини ошириш ишига Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.**

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТ БАХТИ

Тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан жойларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Хусусан, мутахассислар, олимлар ва вилоят ёшлари иштирокида ўтказилган «Таълим ва фан ходимлари ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш», «Фарзандларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда касаба уюшмаларининг роли» каби илмий-амалий конференциялар, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» кўрик-танлови ҳамда ёшлар спартакиадаси шулар жумласидандир.

Куни кеча вилоят тармоқ қўмитаси ҳамда вилоят телевидениеси ҳамкорлигида «Ёшлар давраси» маънавий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча олий ўқув юртлари талабалари иштирок этдилар.

— Бу каби тадбирларни ташкил этиш, уларга ёшларни кўпроқ жалб қилишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Ш.Мансурова. — Чунки уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, фойдали ишларга йўналтириш таълим-тарбиянинг энг муҳим жиҳати бўлиб, бу ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминлайди. Мақсадимиз ягона — ўғил-қизларимизни она Ватанга содиқ, халқимизга фойдаси тегадиган, ҳақиқий инсонлар этиб тарбиялаш.

Дарвоқе, бундан ташқари намунали талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, шартнома асосида ўқиётган талабаларга кредит олишларида кўмак бериш, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш каби масалалар ҳам тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитасининг диққат марказида бўлмоқда.

**М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.**

*Уй бекалари, сизлар учун*

## МАЙОНЕЗЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Масалликлар: 500 гр. майонез, 2 та тухум, 100 гр. сариёғ, 1 ст. шакар, 500 гр. ун, 1 қошиқ какао, истеъмол содаси.

Тухум, шакар, майонезни яхшилаб аралаштириб, эритилган сариёғ ва ун қўшиб юмшоқ хамир қорилади. Хамир 10 дақиқа музлатгичга қўйиб, тиндирилади. Бир хил катталикдаги бўлакларга бўлиб, шакл берилади ва юзини майдаланган ёнғоқ, шакар, какао кукуни қўшилган аралашмага булғаб, патнисга териб, паст оловда пиширилади.

## МАЙИЗЛИ ПИРОГ

Масалликлар: 200 гр. майиз, 3 та тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан сут, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, 3 стакан ун.

Майизни ивитиб, гўшт майдалагичдан чиқарилади. Унга тухум оқини шакар билан кўпиртириб қўшилади. Тухумнинг сариғи эса сариёғ билан кўпиртирилади. Стакандаги сутга истеъмол содаси солиб, масалликларнинг барчаси яхшилаб аралаштирилиб, қуюқ қаймоқ сингари хамир қорилади. Тайёр бўлган хамирни ўрта оловда 25 дақиқа давомида пиширилади.

Пирогнинг юзига ванилин қўшилган қанд упа сепиб, дастурхонга тортилади.

## ҚАЙМОҚЛИ БИСКВИТ

Масалликлар: 6 та тухум, 1,5 стакан қаймоқ, 1 та стакан шакар, 2 стакан ун. Крем учун: 300 гр. сариёғ, 1 банка қуюлтирилган сут ва тортни безашда ишлатиладиган турли ранглар.

Тухумнинг оқи музлатгичда совигунча, тухум сариғи шакар билан оқаргунча кўпиртирилиб, ун ва қаймоқ аралаштирилади. Совутилган тухум оқини шакар билан яхшилаб кўпиртириб, масалликлар бир бирига қўшилади. Шаклли қолипга мой суртиб, бисквит хамири газ печкада паст оловда 15-20 дақиқа пиширилади.

Тайёр бисквит совутилгач, иккига бўлинади ва улар орасига крем суртилади.

Тортнинг устини ўзингиз хоҳлагандай безатишингиз мумкин.

## «ЗЕБРА» ТОРТИ

Масалликлар: 6 та тухум, 150 гр. сариёғ, 200 гр. қаймоқ, керагича ун, 1 қошиқ истеъмол содаси, 2 қошиқ какао.

Яхши кўпиртирилган тухумга шакар қўшиб, кўпиртириш давом эттирилади. Масалликка эритилган сариёғ, қаймоқ, ун ва истеъмол содаси қўшиб қуймоқдек, суюқроқ хамир қорилади. Тайёр хамирни иккита идишга тенг бўлиб, бирига какао кукуни солинади.

Торт пишириладиган қолипни ёғлаб, ўртасига бир ош қошиқда у хамирдан, унинг устига бир ош қошиқда бу хамирдан қўйиб чиқилаверади. Сўнгра паст оловда 20-25 дақиқа давомида пиширилади. Тортнинг пишганлигини гугурт чўпи тиқиб билиш мумкин.

Тайёр торт юзига ванилин қўшилган қанд упаси сепилади ёки қуюлтирилган шира суртилади. (Бир ош қошиқ «Кичкинтой» кукунига 1 қошиқ какао, ярим пиёла сув қўшиб, қуюлгунча қайнатиб шира тайёрланади).


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3024. 1 2 3 4 5 6